

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ



Абдураимова Мафтунахон Ахматовна

*аудит кафедраси доценти
Тошкент молия институти*

E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-6325-1400

Аннотация

Мақолада суғурта ташкилотлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва республика иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, ички аудит хизматини ташкил қилиш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек суғурта ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини доимий назорат қилиш, активларнинг сақланиш ҳолати, ички назорат тизимининг йўлга қўйилиши, бошқарувнинг ахборот тизими томонидан бериладиган маълумотларнинг сифатлигини бошқариш масалалари ёритилиб, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали эришиладиган самарадорликка ҳам алоҳида тўхталган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, халқаро тизим, ички назорат, ички аудит, инновация, корпоратив бошқарув, ахборот тизими, иқтисодий муносабат, инвестор.

ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Абдураимова Мафтунахон Ахматовна

доцент кафедры аудита

Ташкентский финансовый институт

E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-6325-1400

Аннотация

В статье подвергается анализу вопросы организации службы внутреннего аудита, связанного с повышением эффективности работы страховых организаций. Исследуются вопросы постоянного контроля финансово-хозяйственной деятельности страховой организации, состояния активов, создания системы внутреннего контроля, управления качеством информации, предоставляемой информационной системой управления. Особое внимание уделяется эффективности организации службы

внутреннего аудита в страховых организациях.

Ключевые слова: цифровая экономика, международная система, внутренний контроль, внутренний аудит, инновации, корпоративное управление, информационная система, экономическое отношение, инвестор.

FUNDAMENTALS OF ORGANIZATION INTERNAL AUDIT SERVICE IN INSURANCE ORGANIZATIONS

Abduraimova Maftunakhan Akhmatovna

*Associate Professor,
Department of Audit*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: maftunakhon.abduraimova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-6325-1400

Abstract

In order to improve the efficiency of insurance organizations and ensure the stability of the republic's economy, the article focuses on the issues of organizing an internal audit service. Issues of continuous control of the financial and economic activity of the insurance organization, the condition of assets, establishment of an internal control system, quality management of the information provided by the management information system are also covered. Special attention was paid to the efficiency that can be achieved by organizing an internal audit service in insurance organizations.

Keywords: digital economy, international system, internal control, internal audit, innovation, corporate governance, information system, economic attitude, investor.

Кириш

Жаҳон тажрибасидан маълумки, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ҳамда инновацияларни қўллаш орқали иқтисодиётда кенг қўламли ишларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Мамлакат ҳудудида иқтисодий муносабатларни халқаро аудит тизим асосида амалга ошириш талай самарали натижаларни таъминлаши бир қанча мисолларда ўз тасдиғини топган. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг халқаро стандартлари ички назорат тизимида муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш керакки, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини жорий қилишда бир қанча тўсиқлар мавжуд. Инвесторлар керакли маълумотларни олиш, шунингдек ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобот

кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун ички аудит хизматидан фойдаланади.

Хорижий давлатларда ички аудит хизматини ташкил этиш корпоратив бошқарув амалиётидаги заруриятдан келиб чиқиб амалга оширилади. Айрим давлатларда ички аудитнинг муҳимлигини мулкдорлар, бошқаларида эса ижро раҳбарияти белгилайди, яна бир мамлакатларда эса бу тавсиявий хусусиятга эга.

Айтиш мумкинки, ички аудит ҳам аудиторлик фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Умуман олганда, суғурта ташкилотларида кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, иқтисодиётда рақобатбардошликни таъминлаш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий фаоллигини ошириш учун ички аудит хизмати муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, ички аудит хизмати суғурта ташкилотларининг ички ҳолати - ички назоратини, шу билан бир қаторда, ташкилотнинг танлаган корпоратив бошқарув тизими ва бухгалтерия ҳисобини олиб бориш жараёнларини баҳолайди. Ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали ташкилотда учрайдиган доимий ва такрорланиб турадиган камчилик ва муаммолар ўрганилиб, бартараф этилади. Провардида, у операцион бошқарув самарадорлигига эришишнинг зарурий воситаси сифатида намоён бўлади.

Ички аудит хизмати, аввало, рискларни бошқаради ва суғурта ташкилотларининг самарадорлигини баҳолайди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ички аудит хизматининг энг кичик вазифалари ходимларнинг ташкилот ички сиёсатиغا риоя қилиши, шунингдек муайян соҳаларни юқори даражада билиш, иш услубини танлаш кабилар билан боғланиб кетади.

Маълумки, ички аудит хизматини йўлга қўйиш учун, аввало, ҳар қандай бизнес фаолият қўйидаги талабларга жаваб бериши керак, яъни:

корхона активларининг баланс қиймати 1 млрд сўмдан ортиқ бўлиши; акциядорлик жамиятларида активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ белгиланган бўлиши лозим [1].

Ички аудит хизмати суғурта ташкилотининг корпоратив бошқарув тизимида муҳим вазифаларни бажаради. Ички аудит ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилигини аниқлайди, ички назорат тизимининг изчил фаолият олиб борилиши юзасидан ташки аудитининг кичик бир қисми саналади, дейишимиз мумкин. Ички аудит доимий фаолият бўлиб, кун, ҳафта, ой, йил давомида ўтказилиб борилиши мумкин. Ташкилотнинг баъзи бўлим фаолияти тез-тез текширилиб, операциялар кўп содир бўладиган ва риск даражаси юқори бўлган ҳолатлар тартиблаштирилади.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини олиб боришда мустақиллик,

холислик, қонунийлик, малакалилик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойилларига асосланади. Унинг ходимлари аудит жараёнида, шу жумладан ички аудит тадбирларини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришда холис бўлиши ва ҳар бир ҳолатга беғараз ёндашиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги лозим. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириши ҳамда ваколатларидан четга чиқмаслиги лозим. Унинг ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда малакага эга бўлиши ҳамда мунтазам равишда ўз малакасини ошириб бориши, олинган маълумотларни белгиланган тартибда сақлаши, улардан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолларда фойдаланмаслиги ва давлат сири ҳамда бошқа сир сақланадиган маълумотларни ошкор этмаслиги лозим. Бу ҳолат меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган [2].

Маълумки, ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали суғурта ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва халқаро миқёсдаги алоқалар кўламининг кенгайишига эришиш мумкин. Бундан ташқари, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини назорат қилишда, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида, капиталларни жамлашда, корпоратив бошқарув тизимини йўлга қўйишда, раҳбар, ходим, мижоз, мулкдор, кредитор, инвестор ва банкларни маълумот билан таъминлашда ички аудит хизмати муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи

Ички аудит хизматини ташкил қилиш масалалари кўпгина олимлар томонидан турли ташкилий тузилмалар мисолида кўриб чиқилган. Хусусан, проф. С.У. Мехмонов бюджет ташкилотлари ички аудит фаолиятининг назарий ва амалий масалаларини [3], К.Б. Ахмеджанов ички аудит текшируви технологиясини тайёрлаш, режалаштириш ва ўтказилишини такомиллаштириш тартибларини [4], Н.Ш. Абдиева корхоналарда ички аудитни ташкил қилишнинг хусусиятларини [5], З.У. Хамидова бюджет ташкилотларида молиявий назорат ва ички аудит хизмати муаммоларини [6], Ғ.Д. Ташманов ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш жиҳатларини тадқиқ этишган [7].

Таҳлил ва натижалар


Бугунги кунда ички аудитнинг халқаро стандартлари ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ва 170 дан ортиқ мамлакатларда амал қилиниб, 30 га яқин тилга таржима қилинган. Ўзбекистонда ҳам ички

аудитнинг миллий стандартлари тасдиқланган бўлиб, унга кўра ички аудит хизмати фаолиятининг тамойиллари, ички аудит хизматининг мустақиллиги, ички аудит хизмати фаолиятининг сифат кўрсаткичлари стандарти, ички аудит хизмати ходимларининг малакасига қўйиладиган талаблар, ички аудит тадбирларини ўтказиш стандарти, ички аудит хизмати фаолияти билан боғлиқ бўлимлар ташкил топган.

Ички аудитни ташкил этишдан асосий мақсад, суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тизимини тўғри ташкил қилиниши ва юритилишини таъминлаш ҳисобланади. Шундай экан, изланишлар натижасида ички аудит хизматининг фаолият объектларини қуйидагича ёритишимиз мумкин.

1-чизма.

Суғурта ташкилотида ички аудит хизматининг объектлари*



*Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматининг фаолият объектлари асосан, корпоратив бошқарувни ташкил этиш ҳолати ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги хусусида фаолият юритиш ҳисобланиб, бунга кўра, суғурта ташкилотининг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши, қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши текширилиб, молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Умуман олганда, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали молия-хўжалик фаолиятини тўғри ва самарали юритиш, фонд ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, дивиденд тўлаш амалиётини соддалаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини самарали юритишга эришилади.

Шу билан бир қаторда, ички аудит хизматининг мақсади юқоридаги


маълумотлар асосида кузатув кенгашига ишончли маълумот тайёрлаш ва суғурта ташкилотининг бошқарув фаолиятини оптималлаштириш ҳисобланади. Бунинг учун ички аудит хизмати ходимлари ташкилотнинг фаолиятини режалаштириш орқали текширувни амалга оширишлари лозим. Ички аудит текшируви натижалари бўйича аниқланган камчиликлар бўйича маълумотлар суғурта ташкилотининг бошқарув органларига тақдим қилиниши ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак [8].

Ички аудит суғурта ташкилотининг ижроия органи, бўлим ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилиши ҳолати, активларнинг сақланиши ҳолати, шунингдек, суғурта ташкилотларини бошқариш юзасидан белгиланган талабларга ёки хусусиятидан келиб чиқиб бошқарув принципларига риоя этилишини текшириш ва барча ишлари юзасидан мониторинг олиб боришни ҳам назорат қилади [9].

Қуйида биз суғурта ташкилотининг ташкилий тузилмасини келтириб ўтамиз ва бу орқали ички аудитнинг вазифаларини ҳам аниқлаш имкони бўлади.

2-чизма.

**Ўзгросуғурта акциядорлик жамиятининг
ташкилий тузилмаси***



*www.agros.uz

2-чизма маълумотларидан кўриш мумкинки, ички аудит хизмати ташкилий тузилмани ва ундан келиб чиқиб, бошқарувни оптимал ҳолатда олиб бориш ва юритиш тартибини ҳам назорат қилади.

Ички аудит жараёнида ички аудиторлар текшириладиган бўлимни аниқлайди ва ички назорат тизимини тестлаш орқали маълумот йиғади, иш жараёнларини кузатиб, ходимлар фаолиятини баҳолайди. Текширув якуни бўйича расмий аудит ҳисоботини тайёрлаб, уни раҳбарият билан кўриб чиқади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича биргаликда маслаҳат қилишади.

Суғурта ташкилотида ички аудитни текшириш жараёнлари бир қанча босқичларда амалга оширилади ва, таъкидлаш лозимки, бу орқали текширувнинг сифатли амалга оширилиши таъминланади.

3-чизма.

Ички аудитни амалга ошириш тетралеммаси*

1-босқич. Режалаштириш	2-босқич. Аудит ўтказиш	3-босқич. Ҳисобот бериш	4-босқич. Мониторинг
<ul style="list-style-type: none"> • текшириш бошладан олдин режа тузилади ва унда аудит ўтказиш талаби, мақсади, вақти ва аудит ўтказишда қатнашадиган аъзоларнинг исми-шарифи келтирилади. 	<ul style="list-style-type: none"> • бу босқичда аудитор томонидан аудит усуллари қўлланилади, ички назорат тизими ҳолати баҳоланади ва такомиллаштириш зарур деб қаралса, белгиланган доирада амал қилиниши мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> • бу жараёнда аудит натижалари оралиқ ва якуний ҳисобот маълумотларини ўз ичига олади. Оралиқ одатда, қоралама ҳисобот сифатида ҳам акс эттирилиши мумкин. Якуний ҳисоботда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам келтирилиши мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> • бу босқичда камчилик тафсилотларига баҳо берилади, бартараф этиш муддатлари белгиланади. Бунда, ички аудитор ички назоратда камчилик аниқлаши мумкин ва бу ҳолатда, камчиликни бартараф этмагунича ташқи аудитдан ўтмайди деб, хулоса қилиши мумкин.

*Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган 3-чизма маълумотлари асосида ички аудитни амалга оширилишини, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини самарали йўлга қўйилишини ва сифатли текширувнинг ташкил қилинишини таъминлаб бериш мумкин.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш, биринчи навбатда, ташкилотнинг бошқарув фаолиятини самарали йўлга қўйиш, сўнгра эса, иш жараёнини сифатли олиб бориш билан тавсифланади. Қайд этиш лозимки, суғурта ташкилотларида ички аудитни йўлга қўйиш орқали суғурта ташкилотларида самарали мониторинг фаолияти олиб борилади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни тавсия этиш мумкин.

1. Ички аудитор томонидан текширув жараёни натижасида олган маълумот ва тайёрлаган ҳисоботлар суғурта ташкилотлари бошқарув фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади.

2. Суғурта ташкилотларида ички аудит миллий ёки халқаро стандартлари асосида амалга оширилганда, бошқарув қарорларининг қабул қилишда ҳамда иш фаолиятини самарали олиб боришда юқори натижага эришиш мумкин бўлади.

3. Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини такомиллаштириш борасида бир қатор жиддий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, ички аудиторларни сертификатлаш тартиби, ички аудит миллий стандартлари амалиётга жорий этилган.

4. Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали суғурта хизматларининг сифати ошиб, даромадни оптимал даражагача ошириш имкони пайдо бўлган.

5. Суғурта ташкилотларида ички аудит текширувини биз томондан таклиф этилган тўртта босқичдан фойдаланиб, амалга оширса, энг ишончли ва самарали текширув жараёнлари шаклланиб, кенг камровли натижавийликка эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМ. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-ИЛОВА. (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарорига 2-илова) ЎзР Конунчилиги Маълумотлар тизими «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарорига 2-илова)» | NRM.uz

2. Ички аудит миллий стандартларини тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғига ИЛОВА. Молия вазирининг 03.10.2022 й. 52-сон "Ички аудит миллий стандартларини тасдиқлаш ҳақида"ги Буйруғи (АВ томонидан 24.10.2022 й. 3394-сон билан рўйхатга олинган) ЎзР Конунчилиги Маълумотлар тизими NRM.uz

3. С.У. Меҳмонов. Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари. // Иқтисод ва молия. – 2015. 10-сон, 52-58 бетлар.
4. К.Б. Ахмеджанов. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида ички аудит текшируви технологиясини тайёрлаш, режалаштириш ва ўтказишни такомиллаштириш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. 6-сон. Ноябрь-декабрь. – www.iqtisodiyot.uz – 1-9 б.
5. Н.Ш. Абдиева. Корхоналарда ички аудитни ташкил қилишнинг хусусиятлари” // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. 4-сон. Июль-август. – www.iqtisodiyot.uz – 1-10 б.
6. З. У. Хамидова. Бюджет ташкилотларида молиявий назорат ва ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш. // Иқтисод ва молия. – 2020, 3(135)-сон. 78-84 б.
7. Ғ.Д. Ташманов. Ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш: иқтисод фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори PhD дис. автореферати. – Тошкент 2021. – 54 б.
8. Abduraimova Maftunakhon Akhmatovna. Directions of Organization of Internal Audit Service in Insurance Organizations. Journal homepage: – www.researchparks.org – 1-9 б.
9. 610-сонли “Ички аудиторларнинг хизматидан фойдаланиш” номли аудитнинг халқаро стандарти. аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: i қисм 1-жилд. 997-1007 б.